

АЛИШЕР НАВОИЙ «МАЖОЛИСУ-Н-НАФОИС» ТАЗКИРАСИННИНГ МАШҲАД ҚЎЛЁЗМАСИ

Қосимжон Содиқов,
филология фанлари доктори,
профессор

Кириш

2024 йилнинг 11 – 18 февраль кунлари Алишер Навоий халқаро жамоат фонди тарафидан Алишер Навоий мероси ва кўхна Хуросон тупроқларидаги Навоий билан боғлиқ қутлуғ қадамжоларни ўрганиш мақсадида Эрон Ислом Республикасига илмий экспедиция уюштирилди. Навоийшунослар ва журналистларни бирлаштирган ўн кишилик экспедиция таркибида мен ҳам қатнашдим.

Экспедиция Техрон, Сабзавор, Нишопур ва Машҳадда бўлиб, йирик университетлар, кутубхоналар, илмий марказларнинг ишлари билан танишди; қўлёзма фондларидаги Навоий меросини ўрганди; кўхна Хуросондаги улуг мутафаккир қадами етган қутлуғ ерларни зиёрат қилди.

Биз Машҳадда Эрондаги энг машҳур Имом Ризо комплекси (ҳарами)ни бориб кўрдик. Имом Ризо комплекси ислом маданиятининг энг йирик ёдгорликларидан биридир.

Имом Ризо комплекси (ёки Ризавий ҳарами / комплекси) Эроннинг Хуросони Разавий вилояти Машҳад шаҳрида жойлашган бўлиб, саккизинчи имом Алий бин Мусо ар-Ризога бағишлаб қурилган.

Ушбу комплекснинг энг қадимги қисмлари XIII юзйил бошларига оид. Темурийлар даврида бошқа тарихий обидалар баробарида ушбу комплексга ҳам катта эътибор берилди. Ундан кейинги эътибор сафавийлар даврида бўлди.

Турли даврларда қайта қуриш натижасида комплекс майдони ўн икки минг кв.метрдан бир миллион кв.метрга етган. Ушбу комплекс энг кўп киши сифадиган масжидлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Йил давомида 80 миллион киши у ерни зиёрат қилади.

Ҳарамга биринчи марта 40 чақирим узоқликдаги булоқдан ариқ қаздириб, сув келтирган Алишер Навоий бўлади. Ундан ташқари, Навоий ҳарамга айвон қурдирган. Кейинчалик Нодиршоҳ даврида тиллакорлик қилингани учун уни «Тилла айвон» ёки «Нодирий айвони» деб аташ бошланди.

Имом Ризо ҳарами масжидлар, мақбаралар, равоқлар, сахналар, кутубхона ва музейни ўз ичига олади. Ҳозирда ушбу комплекснинг тўққизта ҳовлиси (сахнаси) бор.

Комплексдаги масжидлардан бири Гавҳаршодбегим масжиди бўлиб, 2855 кв.майдони билан Машҳаднинг энг биринчи, энг эски ва энг катта жоме

масжиди саналади. Бу масжид классик услубда, тўрт айвонли қилиб қурилган. Масжид гумбазининг баландлиги 41 метр бўлиб, Мақсура айвонининг тепасида жойлашган. Гумбазнинг икки теграсида 43 метрли иккита минора жойлашган ва уларнинг эътиборли жиҳати ер сатҳидан бошланганидир. Масжид пештоқидаги сулс хатли ёзувлар Бойсунғур мирзо тарафидан ёздирилган экан.

Эртаси куни эрталаб яна Имом Ризо комплексига бордик. Бугун энди кутубхона билан танишдик.

Кутубхона ниҳоятда катта ва тартибли, у ерда 5000000 китоб сақланар экан, «яна шунча китоб сақлашга имкониятимиз бор», дейишди. Китоб сақланадиган хоналарни ҳам кўрдик. Шу ерда мутахассис олимлар, фонд бошлиқлари кутубхона ва китобат иши билан боғлиқ муҳим маълумотларни сўзлаб беришди.

Кейин Олимжон Давлатов у ердаги қўлёзмалар фондини кўриш истагида эканимизни айтди. Шундан сўнг бизни қўлёзмалар фондига олиб киришди. Фонд бошлиғи бизни бир хонага ўтқазиб, ичкаридан Навоий «Мажолису-н-нафоис» асарининг нодир қўлёзмасини олиб чиқди; китобни варақлаб бизга кўрсатди. Китоб яхши сақланган; чиройли қўлёзма. Қўлёзманинг электрон нусхасини сўраганимизда, бизга беришди. Тошкентга қайтганимизда ўша китоблар билан қизиқдим. Чамбарак дискда икки қўлёзма китобнинг электрон нусхаси бор экан: бири, «Мажолису-н-нафоис» тазкирасининг биз кўрган нусхаси; иккинчиси, Навоий девони.

«Мажолису-н-нафоис»нинг ушбу нусхаси Остон-и Қудси Ризовий кутубхонаси (کتابخانه استان قدس)нинг қўлёзмалар фондида 4959а кўрсаткичи остида сақланмоқда. Қўлёзма китобнинг қўлами 118 варақ.

Қўлёзма китоб ҳижрий 985 (= милодий 1577) йили Бег Муҳаммад котиб тарафидан кўчирилган. Қўлёзманинг сўнгги бетидаги тарихда шундай битилган: *Tamma-l-kitābu bi'avni illahu va ḥusni tavfīqihī va-s-salamu 'ala Muḥammadin va 'ala alihi va aṣḥābihī va sallim 'ala 'abdizu-l-ḍa'if Beg Muḥammad fi 985* (MNM.117a,12–14).

Мазмуни: «Китоб Аллоҳнинг кўмаги ва яхши тавфиқи билан тугади (Муҳаммад сав га салом ва оиласига ва саҳобаларига салом бўлсин) Аллоҳнинг заиф қули Бег Муҳаммаднинг қўли ила, 985 йилда».

Қўлёзманинг очиқламаси

«Мажолису-н-нафоис»нинг Машҳад қўлёзмаси кейинги даврда кўчирилган бўлса-да, унинг ўзига яраша яхши ва аҳамиятли томонлари оз эмас. Ушбу мақолада қўлёзманинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Матн бошдан охир жадвалга ўроғлиқ. Жадвали уч чизиқли: четидагиси пуштиранг, ўртадаги йўғон ва ички ингичка чизиқлари зарҳалда.

Илк бетига нақшли унвон ишланган, унинг ёзуви йўқ.

Қўлёзмада пойгир белгилари изчил қўйиб борилган.

Ҳарқалай, қўлёзма кутубхонага келиб тушгандан кейин бўлуви керак, ҳар қайси варағининг юқорисига арабча кўрсаткич рақамлари ёзиб чиқилган.

Матн чиройли насхталикда; ҳар бетда ўн тўрт қатордан.

Хати қорада. Мақолаларнинг сарлавҳаси сифатида келувчи киши отлари, мажлисларнинг ёйиқ, яъни кенг сарлавҳалари, шунингдек, шеъррий сатрларни ажратувчи биртўп ёки тўп-тўп учнуқталар қирмизи рангда.

Баъзи мажлисларнинг ёйиқ сарлавҳалари зарҳалда ҳам битилган.

Асар давомида берилган шеърлар ва байтлар *matla'*, *maqta'*, *bayt*, *rubā'i*, *qīta'*, *tuuyuq* ~ *tuuyu*, *türki*, *matla'-i türki*, *masnavi*, *mu'ammā*, *mişra'* сингари сарлавҳачалар билан ажратиб кетилган; улар ҳам қирмизи рангда.

Қизиғи шундаки, *tuuyuq* сўзи соф туркий эса-да, қўлёзмада ундаги [t] ундоши <t> ҳарфи билан ёзилган: *tuuyuq* (طويوق) (MNM.93a,13; 93b,10). Бу ўринда <t> ҳарфи [t] ундошининг йўғон вариантыни ифодалаш учун ишлатилган. Асарда бу атаманинг <t> ҳарфи билан ёзилган *tuuyu* (تويوغ) шакли ҳам бор (MNM.36a,7,8). Бунинг сингари ёзув хусусиятлари, ушбу қўлёзма тазкиранинг анча эски қўлёзмасидан кўчирилганини англатиб туради.

Алишер Навоий ўзининг «Мезону-л-авзон» асарида туркий шеър турлари тўғрисида сўз юрита туриб, уларда *türki* аталмиш шеър борлигини айтади. У ёзади: *Yana tuuyuq surūdīdur-kim, anī türki deptürlār. Va bu lafz aḡa 'ālam boluptur. Va ul ḡāyatdīn taşqarī dilpisand ruḡ-afzā-vu nihāyatdīn mutajāviz 'ayş ahlīya sūdmand-u majlis ara surūddur* (MA.276a,21–23).

Муҳими, «Мажолису-н-нафоис»да ана шу шеър турининг ўрнаклари бор. Навоий ўз тазкирасида Ҳаримий Қаландар, Мавлоно Тархоний ижоди тўғрисида ёза туриб, уларнинг машҳур байтларидан келтиради. Машҳад қўлёзмасида ушбу байтларнинг айримларига уларнинг шеър турини урғулаш учун қирмизи рангда *türki* деб сарлавҳачалар қўйиб кетилган (MNM.27b,2,7). Ёки Мавлоно Лутфийдан ўрнак учун келтирилган байтлардан бири *matla'-i türki* деб сарлавҳаланган (MNM.33b,2).

Навоий тазкиранинг ёзилиш тарихи, тузилиши ва унга от қўйилиши тўғрисида шундай ёзади:

Ul ḡadratnīḡ mulki şifātīya madḡ sarayīnda jam'durlar, qīlīlay va har qaysīnīḡ natāj ṡab'īdīn birār nimā nişāna yosunluq yazīlay. Va cūn bu maqşūdya yetildi, anī sekiz qisma bitildi va har qism nafis bir majlisqa mavsūm boldi va majmu'iya Majālisu-n-nafāis at qoyuldi (MNM.3a,9–13).

Асар қўлёзманинг 1b–117a- бетларида.

Башлаб муқаддима келади (MNM.1b,1–3b,1).

Мажлислар тартиб кўрсаткичи билан аталади. Булар:

Avvalyi majlis (MNM.3b,2).

İkinči majlis (MNM.15b,14).

Üçünči majlis (MNM.38a,9).

Törtünči majlis (MNM.50a,9).

Bešinči majlis (MNM.59a,12).

Altinči majlis (MNM.78a,13).

Yetinči majlis (MNM.91b,9).

Sekizinči majlis (MNM.97b,12).

Сўнгги мажлисининг *säkizinči* эмас, *sekizinči* деб берилишига сабаб ёзувда *sīn* дан кейин *yā* ҳарфи ёзилган (سیکزینچی). Яна ундошнинг кўшалок эмас, битта [k] билан берилаётганига сабаб, Навоий асарларида ишлатилган сонлар, ўрнига қараб, кўпинча вазн талабидан келиб чиқиб, ёлғиз ундош билан ҳам, кўшалок ундош билан ҳам ишлатилаверади.

Машҳад қўлёмасининг текстологик хусусияти

Муҳими шундаки, тазкирада сўз юритилган адабиёт аҳли ва улар ҳақидаги хабарлар Машҳад қўлёмасида ўзига яраша фарқли жиҳатларга ҳам эга. Ушбу текстологик фарқларни бир неча мажлис таркиби мисолида кўриб чиқамиз.

Avvalyi majlis. Навоий бу жамоат ҳақида: *maxādim va 'azīzlar dikrīda-kim, bu faqīr alarniñ zamāniniñ āxirīda erdim va mulāzamatlarīya mušarraḡ bolmadim* деб ёзади (MNM.3b,2–3). Бу мажлисга қуйидаги кишилар киритилган:

Amīr Qāsīm Anvār (MNM.3b,4);

Mīr Maxdūm (MNM.5a,1);

Ḥāfīz-i Sa'd (MNM.5a,14);

Xvāja Abu-l-vafā Xvārazmī (MNM.5b,10); Истанбул қўлёмасида бу кишининг оти: *Ḥaḡrat Xvāja Abu-l-vafāyī Xvārazmī* деб берилган (MN/KN.660b,9);

Mavlānā Ḥusayn Xvārazmī (MNM.6a,6–7);

Šayx Āḡarī (MNM.6b,3);

Mavlānā Kātibī (MNM.7a,4);

Mavlānā Ašraf (MNM.7b,11);

Xvāja 'Išmatu-l-lāh (MNM.8a,4);

Mavlānā Xayālī (MNM.8a,10);

Mavlānā Bisāṡī (MNM.8b,1);

Mavlānā Yaḡyā Šay-beg (MNM.8b,3); Истанбул қўлёмасида бу киши: *Mavlānā Yaḡyā Say-beg* деб берилган (MN/KN.661b,1);

Mīr Īslām Ġazzālī (MNM.9a,1);

Sayyid ‘Alī Hāšimī (MNM.9a,11);

Qādi Muḥammadu-l-imāmī (MNM.9a,14);

Mavlānā Muḥammad ‘Ālim (MNM.9b,5); Истанбул қўлёзмасида бу кишининг оти: *Mavlānā Muḥammad ‘Ālim Samarqandī* деб берилган (MN/KN.661b,17);

Mavlānā Qudsī (MNM.9b,11);

Mavlānā Rūḥī Yazrī Xurāsānī (MNM.10a,2); Истанбул қўлёзмасида бу киши: *Mavlānā Rūḥī Yāzrī* деб берилган (MN/KN.661b,23);

Mavlānā Şāhib Balxī (MNM.10a,7);

Mavlānā Sīmī (MNM.10b,6);

Mavlānā ‘Alī Ātašī (MNM.10b,14);

Mavlānā ‘Alī Şahāb (MNM.11a,3);

Muḥammad ‘Alī Şuyānī (MNM.11a,7);

Mavlānā Ṭāle‘ī (MNM.11a,10);

Mavlānā Ṭūsī (MNM.11a,11);

Bābā Savdāyī (MNM.11b,4);

Mavlānā Zāhidī (MNM.11b,11);

Mavlānā Amīrī (MNM.11b,14);

Mavlānā Badaxšī (MNM.12a,5);

Mavlānā Ṭālib Jājramī (MNM.12a,8);

Mavlānā Burunduq (MNM.12a,12);

Mavlānā Junūnī (MNM.12b,2);

Mavlānā ‘Ārifī (MNM.12b,8);

Mavlānā Sulaymānī (MNM.13a,5);

Mavlānā Şayxī (MNM.13a,12);

Навоий бу киши ҳақида ёзади: *Fōsanč vilāyatidin erdi; pākīza rōzgār-u musulmān-dīn kiši erdi. Derlār-kim-ki, Makka-i mu‘aẓẓama ziyāratīya muşarraḥ boldī. Ṭab‘ī šōx erdi; yaxšī aš‘ārī bar erdi.* Шундан сўнг Навоий бу кишининг машҳур байтларидан ўрнаклар келтиради (қаранг: MNM.13a,12–13b,5).

Истанбул қўлёзмасида бу кишининг оти йўқ. Лекин, қизиғи шундаки, Машҳад қўлёзмасида кечган *Mavlānā Şayxī* га тегишли бўлган хабарлар Истанбул қўлёзмасида *Mavlānā Masīḥī* сарлавҳаси остида берилган (қаранг: MN/KN.663a,2–5). С. Ғаниеванинг асар бўйича тузган илмий-танқидий матнида ҳам худди шундай (қаранг: Мажолисун нафоис 1961, ۲۸).

Mavlānā Qadīmī (MNM.13b,5);

Истанбул қўлёзмасида *Mavlānā Qadīmī* дан кейин *Mavlānā Masīḥī* деган киши тилга олинган (қаранг: MN/KN.663a,2). Қизиғи шундаки, бу кишига

тегишли хабарлар Машҳад қўлэзмасида *Mavlānā Šayxī* сарлавҳаси остида берилган.

Mavlānā Ḥājī Abu-l-Ḥasan (MNM.13b,10); Истанбул қўлэзмасида бу кишининг оти: *Mavlānā Ḥājī Abu-l-Ḥusayn* дир (MN/KN.663a,5);

Mavlānā Quṭbī (MNM.14a,2);

Mavlānā Na'imī (MNM.14a,5);

Mavlānā Zayn (MNM.14a,10);

Mavlānā Muḥammad Jāmī (MNM.14a,13);

Amīr Šāhī (MNM.14b,7); Истанбул қўлэзмасида бу киши: *Mīr Šāhī* деб берилган (MN/KN.663a,20);

Mavlānā Muštarī (MNM.15a,10);

Mavlānā 'Alī Dordazd (MNM.15a,12); Ёзилиши (على درزد).

Муҳими шундаки, Истанбул қўлэзмасида бу кишининг исми-шарифини ёзишда *dāl* нинг устига *ḍamma* ҳаракати қўйилган; бу энди *Dordazd* деб ўқилади (*қаранг:* MN/KN.663b,2). Мен ана шунга таяндим.

Шу ўринда Истанбул нусхасида *Mavlānā Tābe'ī* тўғрисида ҳам хабар берилган (*қаранг:* MN/KN.663b,5). Машҳад қўлэзмасида эса бу кимса тўғрисида хабар йўқ. С. Ғаниеванинг илмий-танқидий матнида бу кишининг исми-шарфи [t] ҳарфи билан *Мавлоно Толеий* деб берилган (Мажолисун нафоис 1961,29,32). Ваҳоланки, юқорида *Mavlānā Tāle'ī* ҳам тилга олинган. Агар бу ўриндагиси бошқа бир киши бўлганида Навоий унинг қўшимча отини қўшиб ишлатган бўларди. Истанбул қўлэзмасида бу сўз [t] ҳарфи билан *Tābe'ī* деб ёзилган; маъноси «издош, эргашувчи» дегани.

Mavlānā Muḥyī (MNM.15b,2).

Ўкинчи мажлис. Навоий бу жамоат ҳақида: *'azīzlar dikrīda-kim, faqīr alardīn ba'dīniy mulāzamatīya kičiglikdā yetip-men va ba'dīniy muḥabbatiya yigitlikdā mušarraḥ bolup-men* деб ёзади (MNM.15b,14–16a,2). Бу мажлисга қуйидаги кишилар киритилган:

Mavlānā Šarafī-d-dīn 'Alī Yazdī (MNM.16a,4);

Xvāja Avḥad Mustavfī (MNM.16b,14);

Mavlānā 'Abdu-l-vahhāb (MNM.17a,10);

Xvāja Faḍlu-l-lāh Abu-l-layṣī (MNM.17b,4);

Mullā 'Ulā-i Šašī (MNM.17b,14);

Асарнинг Истанбул қўлэзмасида бу киши: *Mavlānā 'Ulā-i Šašī* деб берилган (MN/KN.664a,16); Тазкиранинг Париж қўлэзмасида ҳам бу киши *Mavlānā 'Ulā-i Šašī* дир (MN.307a,7);

Mavlānā Muḥammad Tabādḡānī (MNM.18a,11);

Šayx Šadri-d-dīn Ravāsī (MNM.18b,7);

Mīr Ҳaydar majdub (MNM.19a,1);

Mavlānā Muḥammad ‘arab (MNM.19a,9–10);

Mīr Muflisī (MNM.19b,3);

Mavlānā ‘Abdu-l-vahhāb (MNM.19b,10);

Истанбул қўлёзмасида бу киши: *Mavlānā ‘Abdu-l-qahhār* деб ёзилган (MN/KN.664b,19); С. Ғаниеванинг илмий-танқидий матнида ҳам: *Mavlānā ‘Abdu-l-qahhār* (Мажолисун нафоис 1961, 41).

Mavlānā ‘Abdu-r-razzāq (MNM.20a,3);

Mīr Yādgar-beg (MNM.20a,8);

Истанбул қўлёзмасида бу киши: *Yādgar-beg* деб ёзилган (MN/KN.664b,25);

Mavlānā Ṭoṭī (MNM.20b,2);

Mavlānā Vaysī (MNM.20b,13);

Mavlānā Saḡarī (MNM.21a,4);

Mavlānā Faṣīḥī Rūmī (MNM.21a,14);

Истанбул қўлёзмасида бу киши: *Mavlānā Faṣīḥ-i Rūmī* деб ёзилган (MN/KN.665a,17);

Šayx Kamāl Turbatī (MNM.21b,6);

Darveš Manšūr (MNM.22a,12);

Ҳāfiz ‘Alī Jāmī (MNM.22b,9–10);

Mavlānā Muḥammad Mu‘ammāyī (MNM.23a,2);

Sayyid Kamāl Kačkul (MNM.23a,7);

Истанбул қўлёзмасида бу киши: *Sayyid Kamāl Kačkulī* деб берилган (MN/KN.665b,16);

Xvāja Muyid Mahna (MNM.23b,4);

Xvāja Muyid devāna (MNM.23b,10);

Mīr ‘Imād Mašhadī (MNM.23b,14);

Šāh Badaxšān (MNM.24a,5);

Ībn La‘lī (MNM.24a,13);

Mavlānā ‘Abdu-š-šamad Badaxšī (MNM.24b,2);

Mavlānā Yūsuf-šāh (MNM.24b,10);

Xvāja Abu Īshāq (MNM.24b,14);

Sayid Kāzimī (MNM.25a,4);

Mavlānā Muḥammad Mu‘ammāyī (MNM.25a,13–14);

Xvāja Ḥasan Xidr-šāh (MNM.25b,11);

Mavlānā Ḥāji Nujūmī (MNM.26a,6);

Xvāja Mas‘ud Qumī (MNM.26a,8);

Ҳāfiz Yārī (MNM.26b,3);

Mavlānā Qanbarī (MNM.26b,8);

Mavlānā Xusravī (MNM.26b,11);

Mavlānā Zaynī (MNM.27a,2);

Valī Qalandar (MNM.27a,6);

Истанбул қўлёзмасида *Valī Qalandar* билан ундан кейинги *Mavlānā Vālahī* ўрин алмашган.

Mavlānā Vālahī (MNM.27a,10);

Ḥarīmī Qalandar (MNM.27a,14);

Mavlānā Tarxanī (MNM.27b,2);

Mavlānā 'Išqī (MNM.27b,8);

Mavlānā 'Abdu-l-vahhāb (MNM.27b,12);

Xvāja Yūsuf Burhān (MNM.28a,4);

Истанбул қўлёзмасида шундан кейин *Sayid Ibrāhīm Muša'sa'* деган киши келган (MN/KN.667a,16). Тазкиранинг Париж қўлёзмасида ҳам *Xvāja Yūsuf Burhān* дан кейин *Sayid Ibrāhīm Muša'sa'* (MN.310a,2), ундан кейин эса *Sayid Muḥammad Karbalāyī* деган киши келган (MN.310a,4). Навоийнинг ёзишича, уларнинг биринчиси *Sultān Muhsinnīy-ki, 'Arabistānda pādšāhdur, inisidūr* (MN.310a,2); иккинчиси эса *Sabzavārda bolur, 'arabī še'ri köpdür* (MN.310a,4).

Муҳими шундаки, бу кишиларнинг иккови Машҳад қўлёзмасида йўқ. Суюма Ғаниеванинг илмий-танқидий матнида ҳам бу кишилар берилмаган. *Xvāja Yūsuf Burhān* дан кейин *Mavlānā Mašriqī* келган (қаранг: Мажолисун нафоис 1961, 99).

Mavlānā Mašriqī (MNM.28a,11);

Mavlānā Havāyī (MNM.28b,1);

Mavlānā Qabūlī (MNM.28b,7);

Mavlānā Muḥammad Amīn (MNM.29a,2);

Mavlānā Sa'īdī (MNM.29a,7);

Mavlānā Mīr-aryūn (MNM.29a,12);

Mavlānā Ṣadr kātib (MNM.29b,1);

Mavlānā Ayāzī (MNM.29b,6);

Mavlānā Anisī (MNM.30a,2);

Mavlānā Muḥammad Āmalī (MNM.30a,6);

Mavlānā Muḥammad Rūjī (MNM.30a,11);

Истанбул қўлёзмасида *Mavlānā Muḥammad Rūjī* билан ундан кейинги *Darveš Nāzukī* ўрин алмашган.

Darveš Nāzukī (MNM.30b,2);

Mavlānā Kavṣarī (MNM.30b,9);

Sayyid Muslimī (MNM.31a,1);

- Mavlānā Nizām (MNM.31a,3);
Mavlānā Yārī (MNM.31a,6);
Mavlānā Aḥmad Mujallid (MNM.31a,10);
Mavlānā Muḥammad-ne'mat Ābādī (MNM.31a,14);
Sayid 'Abdu-l-ḥaq (MNM.31b,6);
Mavlānā Mīr Qaršī (MNM.31b,11);
Mavlānā Javharī (MNM.32a,2);
Mavlānā Xāvarī (MNM.32a,6);
Mavlānā Ḥalvāyī (MNM.32a,11);
Mavlānā Riyādī (MNM.32a,14);
Mavlānā Şafāyī (MNM.32b,7);
Mavlānā Yūsuf (MNM.32b,11);
Mavlānā Mansūr (MNM.33a,9); Истанбул қўлёзмасида бу киши йўқ.
Mavlānā Xākī (MNM.33a,11);
Mavlānā Luṭfi (MNM.33a,14);
Mavlānā Yaqīnī (MNM.34a,5);
Mavlānā Atayī (MNM.34a,11);
Mavlānā Muqīmī (MNM.34b,2);
Mavlānā Kamālī (MNM.34b,7);
Mavlānā Laṭīfi (MNM.34b,10);
Mavlānā Sakkākī (MNM.34b,14);
Mīrzā Ḥāji Sūydī (MNM.35a,8–9);
Nūr Sa'īd-beg (MNM.35a,13–14);
Pahlavān Ḥusayn (MNM.35b,3);
Mavlānā Şāne'ī (MNM.35b,7);
Xvāja Musayyib (MNM.35b,12);
Mavlānā Bilāl (MNM.36a,3);
Mīr Sa'īd (MNM.36a,6);
Muḥammad 'Alī (MNM.36a,11);
Darveš-beg (MNM.36b,9);
Mīrzā-beg (MNM.37a,1);
Sayid-Ḥasan Ardaşer (MNM.37a.12–13);

Yetinchi majlis. Бу мажлис темурий ҳукмдорларга бағишланади. Улар бадий асарлар ёзмаган бўлсалар-да, адабиёт аҳлини оталиққа олганлар. Ушбу мажлисга қуйидаги кишилар киритилган:

Amīr Temūr Körāgān (MNM.91b,13); Истанбул қўлёзмасида бу ҳукмдор Temūr Körāgān деб берилган (MN/KN.685b,8);

Xaqan-i sa’iid Šāhrux mīrzā (MNM.92b,12);

Abā-Bakir mīrzā (MNM.93a,10);

Sulṭān Īskandar Šerāzī (MNM.93b,2);

Xalīl Sulṭān (MNM.93b,10);

Uluḡ-beg mīrzā (MNM.94a,1);

Baysunḡur mīrzā (MNM.94a,6);

Bābur mīrzā (MNM.94a,12);

’Abdu-l-laṭīf mīrzā (MNM.94b,5);

Ya’qūb mīrzā (MNM.94b,11);

Jihān-šāh mīrzā (MNM.95a,2);

Saydī Aḡmad mīrzā (MNM.95a,3); Кўлэзмада унинг оти (سیدی احمد میرزا) деб берилган. Истанбул кўлэзмасида *Sayid Aḡmad mīrzā* деб берилган (MN/KN.686b,2);

Sulṭān Aḡmad mīrzā (MNM.95a,9);

Bayqara mīrzā (MNM.95b,2);

Kičig mīrzā (MNM.95b,6);

Badi’u-z-zamān mīrzā (MNM.96a,2); Истанбул кўлэзмасида: *Sulṭān Badi’u-z-zamān mīrzā* деб берилган (MN/KN.686b,16);

Šāh-ḡarīb mīrzā (MNM.96a,11);

Faridūn Ḥusayn mīrzā (MNM.96b,8);

Muḡammad Ḥusayn mīrzā (MNM.96b,12);

Sulṭān Mas’ud mīrzā (MNM.97a,4);

Baysunḡur mīrzā (MNM.97a,8);

Sulṭān ’Alī mīrzā (MNM.97a,13);

Ушбу сулолада *Baysunḡur mīrzā* оти икки ўринда келган. Биринчиси, Гиёсиддин Бойсунғур мирзо Шоҳрух мирзонинг учинчи ўғли, Улуғбек мирзонинг иниси бўлиб, 1397 йили туғилган. Онаси Гавҳаршод бегим. Гиёсиддин Бойсунғур мирзо 1414-1416 йилларда Мазандарон, Астробод ва Журжон вилоятларига ҳокимлик қилган. 1416 йилдан 1420 йилгача Ҳиротда отаси Шоҳрух мирзога вазирлик лавозимида хизмат қилган. 1431 йили Астрободга ҳоким қилиб тайинланган. 1433 йили вафот этган.

Иккинчи Бойсунғур мирзо Самарқанд ҳокими Султон Маҳмуд мирзонинг иккинчи ўғли бўлиб, 1477 йили Ҳисорда туғилган. Онаси Пошшо бегим эди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз асарида унинг таърифини яхши берган. Бобурнинг ёзишича, у настаблиқ хатини анча яхши ёзар, ғазални ҳам яхши айтарди. Отаси унга Бухоро ноиблигини берган эди. Отасининг ўлимидан сўнг у Самарқанд тахтини эгаллади. 1499 йилнинг 17 августида Хисравшоҳ

Бойсунғур мирзонинг бўйнига чилвир солиб, бўғиб ўлдирди. Йигит йигирма тўрт ёшида шахид кетди.

Бойсунғур мирзо шоир бўлгани учун Алишер Навоий уни ўз тазкирасига киритган бўлуви керак.

«Мажолису-н-нафоис» саккизта мажлисидан ҳар бирининг ўз хотимаси бор; уларга сарлавҳалар ҳам қўйилган. Қизиғи шундаки, турли қўлёзмалардаги ушбу хотима сарлавҳалари бир-биридан фарқланади. Шу ўринда Париж, Истанбул ва Машҳад қўлёзмаларидаги хотима сарлавҳаларини кўриб чиқайлик.

Тазкиранинг Париж қўлёзмасида биринчи мажлис хотимасига *Majālisu-n-nafāisniḥ avvalyī majlisiniḥ itmāmi* деб сарлавҳа қўйилган (MN.306a,25).

Бу сарлавҳа тазкиранинг Истанбул (MN/KN.663b,7) ва Машҳад (MNM.15b,4) қўлёзмаларида ҳам худди шундай.

Иккинчи мажлис хотимасидан бошлаб сарлавҳалар орасида фарқ бор:

Париж қўлёзмасида: *İkinčī majlisniḥ ixtatāmī* (MN.312b,23).

Истанбул қўлёзмасида: *İkinčī majlisniḥ ixtāmī* (MN/KN.670a,15).

Машҳад қўлёзмасида: *İkinčī majlisniḥ ixtatāmī* (MNM.38a,2).

Париж қўлёзмасида: *Üçünčī majlisniḥ xatmī* (MN.319b,9–10).

Истанбул қўлёзмасида: *Üçünčī majlisniḥ ixtāmī* (MN/KN.676b,21).

Машҳад қўлёзмасида: *Üçünčī majlisniḥ γāyatī* (MNM.50a,2).

Париж қўлёзмасида: *Törtünčī majlisniḥ āxiri* (MN.324b,12–13).

Истанбул қўлёзмасида: *Törtünčī majlisniḥ āxiri* (MN/KN.681b,26).

Машҳад қўлёзмасида: *Törtünčī majlisniḥ xatmī* (MNM.58b,14).

Париж қўлёзмасида: *Bešinčī majlisniḥ xatmī* (MN.326a,7).

Истанбул қўлёзмасида: *Bešinčī majlisniḥ xatmī* (MN/KN.683a,22).

Машҳад қўлёзмасида: *Bešinčī majlisniḥ āxiri* (MNM.78a,4).

Олтинчи мажлис хотимасининг сарлавҳаси учала қўлёзмада бир хил:

Altinčī majlisniḥ nihāyatī (MN.327b,17; MN/KN.685b,1; MNM.91b,1).

Еттинчи мажлис хотимасининг сарлавҳасида фарқ бор:

Париж қўлёзмасида: *Yetinčī majlisniḥ tügānčisi* (MN.328b,5).

Истанбул қўлёзмасида: *Yetinčī majlisniḥ tügānčisi* (MN/KN.687a,13).

Машҳад қўлёзмасида: *Yetinčī majlisniḥ ixtāmī* (MNM.97b,1).

Демак, асарда «мажлис ёки бўлимларнинг хотималари» *majlisniḥ tügānčisi / itmāmi / ixtatāmī / ixtāmī / āxiri / xatmī / nihāyatī / γāyatī* деб аталган.

Афтидан, Навоийнинг ўзи, услуб ранг-баранглигини сақлаш мақсадида ҳар қайси мажлис хотимасининг сарлавҳасида турли атамалардан фойдаланган. Кейинчалик котиблар янги нусхалар кўчиришда уларни қариштириб ишлатаверган кўринади.

Алишер Навоийнинг ёзишича, саккизинчи мажлис *Sulṭān Ṣāhib-qirān* (MNM.97b,12) / *Sulṭānu-s-salāṭīn Abu-l-Ġāzī sulṭān Ḥusayn Bahādir-xan* (MNM.98a,9) га бағишланган.

Навоий тазкиранинг ушбу мажлисида Хусайн Бойқаро девонидаги шеърларни таҳлил қилар экан, ўрناк сифатида улардан байтлар келтиради; улар муайян изчилликда. Муҳими, асарнинг Машҳад қўлёзмасида кетма-кетликдаги ушбу байтларнинг бошланишига девондаги сингари қофияланувчи товушлар кичик сарлавҳа шаклида қирмизи рангда ёзиб чиқилган. Шу ўринда йигирма саккизта ҳарфнинг эски ўзбек тилшунослигидаги отлари келтирилади. Мана уларнинг аталиши:

- alif* (الف) ḥarfi (MNM.99a,4);
- be* (بى) ḥarfi (MNM.99b,9);
- te* (تى) ḥarfi (MNM.100a,8);
- se* (ثى) ḥarfi (MNM.100b,5);
- jīm* (جيم) ḥarfi (MNM.100b,7);
- ḥe* (حى) ḥarfi (MNM.100b,13);
- xe* (خى) ḥarfi (MNM.101a,2);
- dāl* (دال) ḥarfi (MNM.101a,5);
- ḍāl* (ذال) ḥarfi (MNM.101a,8);
- re* (رى) ḥarfi (MNM.101a,11);
- ze* (زى) ḥarfi (MNM.102b,14);
- sīn* (سين) ḥarfi (MNM.103a,13);
- šīn* (شين) ḥarfi (MNM.103b,6);
- ṣād* (صاد) ḥarfi (MNM.103b,10);
- ḍād* (ضاد) ḥarfi (MNM.103b,12);
- ṭe* (طى) ḥarfi (MNM.104a,1);
- ze* (ظى) ḥarfi (MNM.104a,3);
- ʿayn* (عين) ḥarfi (MNM.104a,6);
- ḡayn* (غين) ḥarfi (MNM.104a,9);
- fe* (فى) ḥarfi (MNM.104a,12);
- qāf* (قاف) ḥarfi (MNM.104a,14);
- kāf* (كاف) ḥarfi (MNM.104b,13);
- lām* (لام) ḥarfi (MNM.105b,11);
- mīm* (ميم) ḥarfi (MNM.106b,6);

nūn (نون) ḥarfi (MNM.107b,4);

he (هـ) ḥarfi (MNM.110a,2);

lā (لا) ḥarfi (MNM.112a,3);

ye (يـ) ḥarfi (MNM.112a,9).

Ушбу кетма-кетликда *alif*, *jīm*, *dāl* сингари ҳарфлардан ташқари, <*b*>, <*t*> сингари ҳарфларга *uā* ҳарфи қўшиб ёзилганлиги уларнинг эски ўзбек тилида *be*, *te* деб ўқилганига ишора қилади.

Туганчи

«Мажолису-н-нафоис» ушбу қўлёзмасининг кейинги юзйилда Машҳадда кўчирилгани улуғ Навоийнинг туркий асарлари айни муҳитда севиб ўқилгани ва шоир асарларини кўчиришга зарурат катта бўлганидан далолат қилади.

Ўзбек навоийшунослиги улуғ мутафаккир ижодини шу чокқача шоир асарларининг Санкт-Петербург, Европа ва Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги нусхалари асосида ўрганиб келди. Ўзбекистон мустақиллиги давридан бошлаб бу сира Туркия фондларидаги қўлёзмалар билан бойиди. Урғулаш ўринлики, Эрон қўлёзма хазиналари ҳам йирик ва бой марказлардан бўлиб, у ерларда Навоий асарларининг нодир нусхалари сақланаётир. Қўлёзмаларнинг айримлари Навоий тириклигида, унинг кўз ўнгида кўчирилган. Энг кераклиси, уларнинг биз билган бошқа қўлёзмаларда учрамайдиган ютуқлари ҳам кўп.

Биз Машҳадда эканимизда Фирдавсий университетида бўлиб ўтган илмий йиғинда маърузалардан бири Эрон кутубхоналарида сақланаётган Навоий асарларининг қўлёзмаларига бағишланди. Унда таъкидланишича, Эрон кутубхоналарида сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмаларининг сони 258 та. Олимнинг урғулашича, бу фақат рўйхатга олинган, тавсифланганлари, холос. Ҳали турли фондларда рўйхатга олинмаган қўлёзмалар ҳам бор. Бу маълумотлар ўзбек навоийшунослари учун ўта муҳим.

Навоий асарлари илмий, илмий-танқидий, йиғма нашрларини яратишда Эрон фондларида сақланаётган қўлёзмалардан ҳам фойдаланишнинг аҳамияти катта. Ушбу нодир манбалар ўзбек навоийшунослигида янги-янги илмий хулоса ва ютуқлар бериши табиий.

Ёзма манбалар:

1. *MA* – «Мезону-л-авзон»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (269b–277b).
2. *MN* – «Мажолису-н-нафоис»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (302b–329b).

3. *MNM* – «Мажолису-н-нафоис»: Машҳаддаги Остон-и Қудси Ризовий кутубхонаси (کتابخانه استان قدس)нинг қўлғезмалар фондидаги 4959а кўрсаткичли қўлғезма.
4. *MN/KN* – «Мажолису-н-нафоис». Истанбул Тўпқопи Саройи Музейи кутубхонаси, Revan 808- кўрсаткичли Навоий куллиётида (659а–693а).
5. *Мажолисун нафоис 1961* – Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Илмий-танқидий текст. Тайёрловчи С. Ғаниева. – Тошкент, 1961.